



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗУФАРОВА НОЗИМА ГУЛАМИДДИНОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БРЕНД КАПИТАЛИ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
economics sciences**

Зуфарова Нозима Гуламиддиновна

Олий таълимда бренд капитали бошқарувини такомиллаштириш 3

Зуфарова Нозима Гуламиддиновна

Совершенствование управления брендовым капиталом в высшем
образовании..... 27

Zufarova Nezima Gulamiddinovna

Improving brand equity management in higher education 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗУФАРОВА НОЗИМА ГУЛАМИДДИНОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БРЕНД КАПИТАЛИ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг
08.00.05 – Хизмат кўрагиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iq1273 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий ряхбар: Ташҳоджаев Мухторхон Махсудович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Аҳмедов Иқром Акрамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Асламова Дилбар Хасановна
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Ётақча ташкилот: Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30.12.2020.1.16.02 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш 2022 йил «31» 03 соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «17» 03 куни тарқатилди.

(2022 йил «17» 03 даги 8 -рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Ш.Н. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]
Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

[Signature]
Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви ҳамда рақобатнинг кескин даражада ортиб бориши шароитида қўшилган қиймат яратинида брендлар ва уларни халқаро нуфузини ошириш асосий стратегик йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. «2030 йилга бориб жаҳон истеъмол товарларининг қарийб 65 фоизи глобал бренд компаниялар маҳсулотларини ташкил этади. 2021 йилда дунёнинг 100 та энг қиммат брендлари қиймати 42 фоизга ошииб, рекорд даражадаги 7,1 триллион АҚШ долларига етди»¹. Бу борада бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи бўлган олий таълимда бренд капиталини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон амалиётида брендини икки ёқлама хусусиятидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчиларни шахсийлаштириш ва доимий миқозга айлантиришгача бўлган жараён бренд капиталини, жумладан, олий таълимда, бошқаришни самарали ташкил қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда олий таълим муассасалари бренд капиталини самарали бошқаришни таъминлашда янги шаклланаётган брендларнинг халқаро бозорлар конъюнктурасига таъсири, олий таълимга қўйилаётган стратегик шифалар ҳамда унинг асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бораётганини эътиборга олган ҳолда илмий ечимларни таъминлаш юзасидан мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бу соҳада виртуал бизнес муҳитини яратиш, бренд капиталини шакллантириш бўйича мақсадли инвестицион қарор қабул қилиш, халқаро бренд рейтингларига юриш ва бренд капиталини бошқаришга тизимли ёндашиш, жараёнларни оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий брендларнинг соғлом рақобати учун бизнес муҳит яратиш механизмларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга устувор даражада қаралмоқда.

Ўзбекистонда рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша олувчи илмий брендларни шакллантириш йўналишларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини муҳит бозори талаблари асосида ривожлантириш; олий таълим билан камров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрловчи, мураккаб қарор қабул қила олувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг интелектуал қобилиятини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун яқин шарт-шароит яратиш; соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардорлигини таъминлаш»² бўйича олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари белгиланган.

¹ https://brandfinance.com/wp-content/uploads/1/brand_finance_global_500_2020_preview.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

Мазкур стратегик мақсадларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда олий таълим муассасалари брендини шакллантириш шароитида бренд капиталини молиявий баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, бренд қўшилган қийматини таъминлашга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш пегизида бренд капиталини миллий ва халқаро бозордаги ўрни ва пул оқимлари соф даромад келтирувчи қийматини ошириш йўналишларида илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 январдаги ПҚ-4965-сон «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларнинг интирокили янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ баҳарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бренд капиталини яратиш ва уни бошқариш масалаларининг назарий асослари, моделлари ва замонавий тенденциялари ҳориқлик олимлардан Д.Аакер, В.Кумар, Томас Гад, А.Ашер, R.Barro, Д.Дуглас, E.C.Andrade, E.Hanushek, B.R.Kozma, A.Maddison, G.Philip, L.Pritchett ва бошқаларнинг³ илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

³ Аакер Д. Создание сильных брендов. – М.: Издательский дом Гребенникова, 2003; Аакер Д., Кумар В. и др. Маркетинговые исследования: 7-е изд. / Под ред. Божук С.; Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2004 – 848 с.; Аакер Д. Стратегическое рыночное управление. – СПб.: Питер, 2002; Томас Гад – 4ДБрандинг // www.4дбрандинг.ком, Ашер А., Савио М. Глобальные рейтинги и рейтинговые таблицы // Вопросы образования. – 2007. – 4. – С. 201–216; Barro, R., 1999. «Human Capital and Growth in Cross Country Regressions», *Swedish Economic Policy Review*, Vol.6, pp.237–77; Дуглас Д. Новый мировой порядок в высшем образовании: как и почему правительства создают структурированные рынки возможностей. // Вопросы образования. – 2011. – 1. – С.73–98.; E.C. Andrade, Laurini, M., 2010. «New evidence on the role of cognitive skills in Economic Development», *Economics Letters*, Vol.117 (1), pp.123–26; Hanushek, E., Kimko, D., 2000. «Schooling, Labor-force quality, and the growth of nations», *American Economic Review*, Vol.90(5), pp.1184–208; Hanushek, E., Woessmann L., 2008. «The role of cognitive skills in economic development», *Journal of Economic Literature*, Vol.46(3), pp.607–68; Kozma, B. R., 2008. «ICT, education reform, and economic growth: A conceptual framework».

Корхоналар имижини шакллантириш асосида уларнинг бренд капиталини шакллантириш ривожлантириш масалалари МДХ давлатлари олимларидан Б.О.Аквазба, Е.В.Балацкий, Н.Н.Беденко, К.Н.Гоженко, А.Х.Жанказиев, А.П.Колядин, Л.Полищук, А.К. Савила, В.И.Сухочев ва бошқаларнинг илмий мақолалари, монография ва диссертациялари⁴да ўрганилган ҳамда таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Г.Н.Ахунова, Б.А.Бегалов, С.С.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Икрамов, Н.К.Йўлдошев, Д.С.Касимова, Д.Х.Набиев, Д.Н.Рахимова, Р.А.Рахманбаева, М.Х.Саидов, А.Н.Самадов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Д.Эргашходжаева, А.Т.Юсупов, Н.О.Қаюмова, Ш.Курбонов, Қ.Қ.Қуролов, А.Р.Оқбоев, И.С.Хотимов, С.А.Эшматов ва бошқаларнинг илмий асарлари⁵даги методологик жиҳатларини

Retrieved from http://download.intel.com/education/HP/EdForum_WPI.pdf [Accessed 20 January, 2012]; Maddison A. Growth and slowdown in advanced capital economies: techniques of quantitative assessment // *Journal of Economic Literature*. 1987. Vol. 25. p. 675. www.jstor.org; Philip G. Altbach, Lie Renberg, Laura E. Rumbley (2009). Trends in Global Higher Education: Tracking an Academic Revolution. A report prepared for the UNESCO 2009. World Conference on Higher Education. – p. 10; Pritchett, L., 1996. «Where Has All the Education Gone?», World Bank Policy Research Paper, No.1581 [online] Available from: <<http://unpan1.un.org/intradoc/groups/public/documents/un/unpan0002390.pdf>>

⁴ Аквазба В.О., Ухлибина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования и взаимодействие образовательной организации: проблемы и перспективы // *Современные проблемы науки и образования* – 2013 – 4 (18). www.science-education.ru/128-21477 (дата обращения: 28.08.2015); Балдейко Е.В., Екимова И.А. *Мотивационные ресурсы университетской практики: составление и использование*. // *Экономика образования*. – 2012 – 2. – С. 63–80; Балдейко И.И. Улучшение системной оценки качества услуг высшего образования на мезо- и микроуровнях. Диск ... д-ра экон. наук. – Санкт-Петербург, 2012. – 404 с.; Гоженко К.Н. *Экономика знаний – императивная основа инновационной трансформации сферы образовательных услуг*. Автореф. дисс. ... д-ра экон. наук. – Кисловодск, 2012. – 38 с.; Гулямов А.Х. Императивы и организационно-экономические инструменты адаптации системы высшего образования к условиям экономики знаний. Диск ... д-ра экон. наук. – Нальчик, 2012. – 382 с.; Колядин А.П. *Фиктивный капитал: человеческий капитал как системный феномен экономики знаний*. Автореф. дисс. ... д-ра экон. наук. – Саратов, 2012. – 30 с.; Полядук Д., Липин Э. *Качество высшего образования в России: роль конкуренции и рынка труда*. // *Вопросы образования* – 2005. – 1 – С. 70–86; Савила А.К. *Ученые степени и знания в зарубежных странах: общее и особенное*. // *Проблемы современного образования* – 2015. – 3. – С. 10–23; Сухочев В.И. *Методология формирования организационно-педагогического механизма оценки доступности и качества высшего образования*. Дисс. ... д-ра экон. наук. – Уфа, 2011. – 404 с.

⁵ Ахунова Г. *Ўзбекистонда таълим ҳамаёти мундариши*. Монография. – Т., 2005. – 244 б.; Бегалов Б.А., Жуконская И.Е. *Высшие учебные заведения в формировании инновационной системы страны* // *Икτισодийёт ва инновация технологиялар*. – 2012. – 4. Бекмуродов А.Ш. *Интерактивное обучение и информатизация образования – важнейшее условие для успеха профессиональных и компетентных кадров*. // *Икτισодийёт ва инновация технологиялар*. – 2011. – 1. Зайнутдинов Ш.Н., Очипов А.О. *Ольги таълим муассасалари базислари самаранолиги боҳити*. // *Икτισодийёт ва таълим* – 2010. – 2. – 83–87-б.; Икрамов М.А. *Проблемы становления рынка образовательных услуг в Республике Узбекистан*. // *Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инновационная активность и перспективы инновационного развития*. Материалы международной научно-практической конференции. – Т., ТГЭУ, 2018. – 3. – С.167–171; Юлдишев П.К. *Стратегия инноваций*. – Т., 2011. – 450 с.; Касимова Д. *Пути взаимодействия субъектов рынка труда: рынок работников // Инновации в науке* – 2011. – 6. – С. 22–25.; Набиев Д. *Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики*. Автореф. ... дисс. экон. наук. – Т., 2009. – 48 с.; Рахимова Д.Н. *Улучшение профессионального развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях структурных рыночных изменений: реформа*. – Т., 2000. – 225 с.; Рахманбаева Р.А. *Управление интеллектуальными ресурсами страны в условиях интеграции образования и производства*. Автореф. дисс. ... д-ра экон. наук. – Т., 2013. – 80 с.; Саидов М.Х., Исмаилов М.А. *Менеджмент и инновации современного профессионального образования*. – Т., 2002. – 70 с.; Юсупов А.О., Самадов А.Н. *Модель управления трудоустройством выпускников высшего образовательного учреждения в Узбекистане*. // *Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инновационная активность и перспективы инновационного развития*. Материалы международной научно-практической конференции. – Т., ТГЭУ, 2018. – 3. – С. 276–283.; Ходиев Б.Ю. *Приоритеты развития высшего образования // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны*. Сборник статей международной конференции. – Т., 2012. – С. 36–40. *Экономика* (11)

Ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида шу хулосага келиндикки, ҳозирга қадар бренд капиталини бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тўлиқ ёритилмаган. Шунга кўра, мазкур масалалар юзасидан бир қатор илмий, услубий ва амалий муаммоларнинг ҳал этилиш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодийёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № А-2-34 «Миллий брендларни шакллантириш асосида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш» мавзусидаги 2015-2017 йилларда амалга оширилган илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълимда бренд капитали бошқарувини мақсадли ташкил қилиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бренд капиталининг ривожланиш эволюциясини тадқиқ этиш;

бренд капитали бошқарувининг назарий-услубий асослари ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишни белгилаб бериш;

бренд капитали қийматини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

бренд капиталини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

олий ўқув юрғларида бренд капиталини яратиш моделини такомиллаштириш;

олий ўқув юрғларида бренд капиталини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида бренд капиталини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг бренд капитали бошқаруви олинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълимда бренд капитали бошқарувини такомиллаштириш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, сўровнома, умумлаштириш, тизимли-манتيқий таҳлил, кўп омилли ва динамик таққослаш, даврийлаштириш, эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Инновациялар маркетинги – замонавий иқтисодий таълим // Ўзбекистонда божхона ишнинг долзарб муаммолари: назарий ва амалиёт. Республика илмий-амалий илмувчан мақола танловлари тўплами – Т., ТДДУ, 2010. – 151–152-б.; Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар даянати аттестацияси: методологик-услубий, норматив-ҳужуқий ва илмий-таълимий йўналишлари / А.Т. Юсупов. – Т., 2013. – 648 б.; Қиломова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг энг сифат буюқини ажратишнинг эконометрик тадқиқоти. Иқт. фанл. докт. ... дисс. – Т., 2012. – 317 б. ил.; Қурбонов Ш., Сейдахлилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т., 2006. – 592 б.; Куролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шикотига иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви конуниятлари. Иқт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 91 б.; Оқбобоев А.Р. Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардорлигини бошқаришда бренднинг стратегиясида фойдаланиш. Иқт. фанл. Бўйича фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2021. – 91 б.; Эшматов С.А. Миллий брендни шакллантиришнинг маркетинг стратегияси. Иқт. фанл. Бўйича фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2021. – 91 б.;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси бренд капиталини шакллантириш бўйича ёндашув, бренд қўшилган қийматини таъминлашга қаратилган стратегиялардаги бренд капиталининг миллий ва халқаро бозорлардаги истикбол франчайз даражалари ва пул оқимлари, соф даромад келтирувчи қийматини ошириш негизида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси бренди шаклланаётган шароитдаги бренд капиталини молиявий баҳолашда хорижий талабалар ва хорижий тивгловчилар ўқиши, ҳомийлик, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган бюджетдан ташқари маблағларга молиявий балансда устуворлик берилишига мақсадга мувофиқлиги асосланган;

бренд капиталининг истикбол параметрларига оптимал трансформациялашувини таъминлашда олий таълим муассасаси брендга эришишнинг бир bosқичдаги молиявий натижалар ва брендининг халқаро бозор конъюктурасига кўра медиа-маркетинг тактикасини ишлаб чиқишнинг самарадорлиги асослаб берилган;

брендни шакллантиришнинг дастлабки даврида миллий таълим бозорининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда олий таълимда бренд капиталини шакллантириш ва ривожлантиришда «бренд пуфи» маркетинг-молиявий жиҳатдан асосий омил эканлиги асосланиб, мувофиқ ҳолда бренд капитали шаклланишини баҳолашнинг такомиллаштирилган SEM модели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

бренд капитали қийматини баҳолашнинг услубий асослари бренд капиталини шакллантириш бўйича такомиллаштирилган;

олий ўқув юртларида бренд капиталини яратиш модели ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида бренд капиталини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва халқаро молия институтларининг расмий маълумотларидан фойдаланишнинг ҳамда ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилиб, жорий этилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаси бренди шаклланаётган шароитни эътиборга олиш, қўшилган қийматни таъминлашга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда бренд капиталининг халқаро бозордаги ўрни бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан белгиланган мақсадга эришишда таълим-ташкилий-молиявий жараёنларини оптимал бошқариш, самарали қарорлар қабул қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг замонавий ҳолати ва истиқболдаги архитектурасини баҳолаш, таълим сифатини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, ҳар бир юқори маалакали кадрни ишга жойлаштиришга индивидуал ёндашиш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда тадқиқот ишнинг услубий ишланмалари, таклиф ва тавсияларидан олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари учун «Брендинг», «Персонални бошқариш», «Таълим иқтисодиёти ва менежменти», «Стратегик менежмент» ва бошқа фаиларни ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълимда бренд капитали бошқарувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасаси бренд капиталини шакллантиришга ёндашув бренд қўшилган қийматини таъминлашга қаратилган стратегиялардаги бренд капиталининг миллий ва халқаро бозорлардаги истиқбол франчайз даражалари ва пул оқимлари соф даромад келтирувчи қийматини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июль № 89-03-2501 сон маълумотномаси). Натижада таълим сифатини ошириш имконини берувчи бренд кўрсаткичлари ва бренд идентификацияси асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида хорижий талабалар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 3,6 баробарга ошиш имкони яратилган;

олий таълим муассасаси бренди шаклланаётган шароитдаги бренд капиталини молиявий баҳолашда хорижий талабалар ва хорижий тингловчилар ўқиши, ҳомийлик, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган бюджетдан ташқари маблағларга молиявий балансда устуворлик бериш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июль № 89-03-2501 сон маълумотномаси). Натижада Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бренд капиталини баҳолаш даражасининг аниқлик даражасининг ортинги ҳисобига факультетлараро талабалар ўртасида соғлом рақобатлашувини ривожлантириш негизинда Халқаро туризм факультетида қўшимча контрактга кирган талабалар сони 2019-2020 ўқув йилида 2018-2019 ўқув йилига нисбатан 6,7 баробарга ошириш имконини берган;

бренд капиталининг истиқбол параметрларига оптимал трансформациялашувини таъминлашда олий таълим муассасаси брендга эришишнинг бир босқичдаги таълим сифати ҳолати, молиявий натижалари ва брендининг халқаро бозор конъюктурасига кўра медиа-маркетинг режасини ишлаб чиқишнинг самарадорлиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва Тошкент давлат иқтисодий университетининг фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июль № 89-03-2501 сон маълумотномаси). Натижада Тошкент давлат иқтисодий университетининг халқаро бозор конъюктурасига кўра ишлаб чиқилган медиа-маркетинг режасини асосида амалга оширилган трансформациялашув жараёнлари натижасида университетнинг webometrics рейтинг кўрсаткичи 2021 йилдан буён 3 чи поғонани эгиллиб келмоқда. Медиа режаси асосида амалга оширилган коммуникация стратегияси натижасида хорижий талабалар сопи 2021-2022 ўқув йилларида 2020-2021 ўқув йилига нисбатан 62 фоизга ошган;

миллий таълим бозорининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда брендини шакллантиришнинг дастлабки даврида олий таълимда бренд капитали бошқаруви самарадорлигини таъминлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва Тошкент давлат иқтисодий университети фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июль № 89-03-2501 сон маълумотномаси). Натижада, маркетинг бренд нуфузи Тошкент давлат иқтисодий университети «Халқаро туризм» факультетининг бренд капиталини оширишга ва факультетлараро талабалар ўртасида соғлом рақобатлашувни ривожлантириш асосида 2019 йил натижалари бўйича университет ички рейтингда факультетнинг бешинчи ўриндан биринчи ўринга чиқишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва таъкидланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация маълуми бўйича жами 20 та илмий ил чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киринг қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бренд капитали бошқаруви**нинг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида бренд капитали тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, бренд капиталини шакллантиришнинг методологик ёндашув ва принциплари ўрганилган, олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегиялари тизимлаштирилган ва муаллиф томонидан таснифланган.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим муассасаларини 2030 йилга ривожлантириш Концепцияси ҳам ўз ичига бир қатор вазифаларни қамраб олган. Бунда давлат ва нодавлат университетларини очиш ва соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш ва битирувчиларнинг 50 фоиздан ортиғини олий маълумот билан қамраб олиш даражасини ошириш белгиланган. Бу эса, ҳар бир университет ўз бренд стратегиясини ишлаб чиқишга тақозо этади.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари муаллиф томонидан «бренд», «бренд капитали», «савдо маркаси» ва «савдо белгиси» каби тушунчалар, уларнинг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган. Ўзбекистонлик олимларнинг илмий адабиётларида, кўпроқ савдо маркаси (trade mark) тушунчаси қўллаб келинган. Маълум шароитларда «бренд», «савдо маркаси» ёки «нуфуз» (имиж) тушунчаларидан синоним тарикасида фақатгина мазмуни тўғри келгандагина фойдаланилган.

Муаллифнинг фикрича, **савдо маркаси** ўз ичига **товар белгиси** ва **савдо номини** қамраб олади. Бунда савдо маркаси юридик кучга эга бўлиб, давлат рўйхатидан ўтган товар белгиси ва савдо логотипи номини ўз химоясига олади. Шунда товар белгиси сифатида белги, дизайн ва бошқа фарқловчи хусусиятлар кирса, савдо номига сўз билан ифодаланган ва ҳарфлар билан ёзиб бўладиган фарқловчи номлар қиради. Демак, бренд бошқаруви асосий вазифаси тўғри йўналтирилган бренд технологиялари ва стратегияларини тўғри бошқарган ҳолда бренд даражасига етказишдир.

Бренд капитали эса брендинг назариясининг йўналиши бўлиб, ривожланиш эволюциясида корхонанинг номоддий активи сифатида ўрганилиб, бренд имижи ўрнини эгаллади. Бренднинг номоддий актив сифатидаги корхона учун қўшимча қиймат келтирувчи актив сифатида ўрганилди. Бренд капитали фирма ва (ёки) маъмур фирма мижозлари учун товар ёки хизматнинг қийматини оширувчи (ёки камайтирувчи) воситалари тўпламидир. Ташкилот томонидан яратилган ва ишлаб чиқилган товар ва

хизматларни сотиш жараёнида қўшилган қийматни таъминлаш имконини берувчи истеъмолчилар онгидаги брендга ижобий муносабатлар тўпламидир. Муаллифнинг фикрича, **бренд капитали** бренд яратувчи корхона товар ва хизматларига қўшилган қийматни шакллантирувчи имиж ва бренд тўплашдан иборат истеъмолчи онгида шаклланган номоддий активдир.


Бренд активлари эса компаниянинг номоддий активларига, яъни патент, муаллифлик ҳуқуқи, лицензия, ноу-хаулар киритилади. Бренд активлари ташкилотнинг бозордаги капитали асосида баҳоланади. Бу активнинг қиймати унга истеъмолчиларнинг мойиллиги, компаниянинг рақобатчи компаниялардан устуңлиги, бозордаги улуши ва бошқа сегментларга кўра баҳоланади. Савдо маркази, яъни бренд компаниянинг муҳим активи бўлса, товар белгиси савдо марказининг активидир.

Муаллиф ёндашувига асосан, бренд ишлаб чиқиш ва бошқариш жараёни хилма-хил шакл ва тизимларга эга эканлиги билан тавсифланади. Олий таълим муассасаларининг брендлари тўғри белгилаб олинган ва бошқариладиган стратегияси унинг бренд капитали шаклланишига хизмат қилади. Олий таълим муассасаларининг бренд капиталини шакллантириш тўғриси муассасаларининг бренд бўлгунга қадар қўшилган қийматни таъминлашга қаратилган тўғри ишлаб чиқилган ва йўналтирилган стратегиялар тўпламидир. Олий таълим муассасаларининг бренд капитали келажакда маҳаллий ва халқаро бозорда унинг франчайз даражаси эришиш ва келажакдаги пул оқимлари соф даромади келтирилган қийматини белгилашга хизмат қилади.

Бренд капитали истеъмолчиларнинг савдо маркази қийматига ишончидан келиб чиқади. Шу ишонч асосида университетлар бренд капитали шаклланишига уларнинг асосий истеъмолчилари ҳисобланган талабалар, ота-оналар ва иш берувчиларнинг мойиллиги ҳамда Олий таълим муассасалари келажакда худди шу бренд остида таклиф қилинган таълим дастурлари ҳамда халқаро эътироф этилишини киритиш мақсадли мувофиқ, Олий таълим муассасаларининг хизматлари истеъмолчиси талабалар ва иш берувчилар ҳисобланади.

Мавжуд маҳаллий ва хорижий бренд бошқаруви инновацияларини таъмин қилиш, шунингдек, маҳаллий ва миллий даражадаги турли мақсуотли иш хизматларини брендлаш амалий тажрибасидан фойдаланиб, олий таълим муассасалари брендини ишлаб чиқиш учун 1-расмда келтирилган бренд капиталини шакллантириш механизми таклиф этилди. Мазкур моделнинг асосий хусусияти олий таълим муассасаларининг бренд капиталини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар кетма-кетлиги келтирилган.

Бренд капиталини шакллантириш учун олий таълим муассасалари йўналишлари ва факультетларида брендлаш гоёлари ва йўналишлари бўлиши талаб этилади. Олий таълим муассасаларининг факультетлар доирасидаги бренд капитали иккита асосий восита: бренд идентификацияси ва университет имижига ёрдамида шаклланади. Бундай капитални шакллантирувчи омиллар асосида ҳар бир олий таълим муассасаси ўз бренд капиталини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши лозим.



1-расм. Олий таълим муассасаларининг стратегик бренд менежменти тизими⁶

⁶ Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг «Бренд капиталини бошқаришнинг ривожланиш тенденциялари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда олий таълим тизимининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, олий ўқув юртлирида бренд капиталини бошқаришнинг Малайзия, Буюк Британия, АҚШ давлатлари олий таълим муассасалари тажрибаси умумлаштириб ўрганилган, Тошкент давлат иқтисодий университетининг факультетлари бренд капиталини бошқариш самарадорлиги эконометрик модель орқали баҳоланган.

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таъққибати истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Тайёрланаётган кадрларнинг сони ва сифатига нисбатан давлат талаблари, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларили шакллантириш механизми асосида амалга оширилади.

Битирувчилар тегили малака даражасини олган, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритадилар.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг давлат гранти асосида жами 2020 йилда 21907 нафар, шу жумладан, бакалаврият таълим йўналишларининг 20566 нафар, магистратура мутахассисликларининг 1341 нафар талаби битирган. Давлат гранти асосида бакалаврият битирувчиларидан 17947 нафари, магистратура битирувчиларидан 1210 нафари олий таълим муассасалари Тақсимот комиссиялари орқали корхона, ташкилот ва муассасалар талаб-эҳтиёжига (буюртмасига) мувофиқ йўланма асосида ишга тақсимланган. Давлат гранти асосида битирувчиларнинг 2147 нафари ишдан ажралмаган ҳолда сиртки, махсус сиртки бўлимларида тижил олган.

Олий ўқув юртлирининг ўқитувчилари 2018/2019 ўқув йилида 26664 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич 1998/1999 ўқув йилиги нисбатан 1,5 баробарга ошиб, профессор-ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат шужудга келган.

Вилоятлар кесимида олий таълим муассасаларининг илмий еилоҳияти таҳлили кўрсатадики, Тошкент шаҳрида 10115 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, илмий салоҳият республикадаги энг юқори кўрсаткич (45,4 фоиз)ни ташкил этади. Кейинги ўринларда Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Бухоро вилоятлари туради. Демак, бу минтақадаги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат нисбатан кучли эканлигини кўрсатади.

Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2019 йилда 20 фоиз, 2020 йилда эса 25 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизгача етказиш мақсад қилинган, демак бундан кўринадики, мамлакатда ОТМлар сони тобора ошиб, улар ўртасида рақобат ҳам кучайиб боради. Бу рақобатни ОТМлар ўртасида ривожланишига ОТМнинг бренд капитали механизмини жорий этишга қаратилиши лозим.

Хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида ўқитишни ташкил қилиш (қўшма таълим дастурлари бундан мустасно) 2020 йилда 26 тага етказилган, хорижда малака оширган ёки стажировкадан ўтган профессор-ўқитувчилар улуши 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 2,7 баробарга оширилган ва республика олий таълим муассасаларига жалб этилган хорижий профессор-ўқитувчилар улуши қарийб 6 баробарга олган.

Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган, «Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва undan юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан икки баробарга кўнайдган ва бу кўрсаткичнинг кейинги йилларда яна ошиши ҳар бир профессор-ўқитувчининг шахсий имижини яратиш вазифасини белгилайди. Ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўз имижи асосида кафедранинг имижи шаклланиб, бу факультет бренднинг яратишга олиб келади. Олий таълим муассасаларининг бренд капиталини ривожланишига албатта қўшимча контракт тўлови ҳам ҳисобга олинади.

Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2017/2018 ўқув йилида Халқаро туризм факультетига қўшимча контракт асосида 24 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 2020/2021 ўқув йилида бу кўрсаткич 244 тани ташкил этиб, жами 13,8 млрд.сўм маблағ университет газнасига туширилган (1-жадвал).

1-жадвал

2017-2021 ўқув йилларида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида қўшимча контрактга кирган талабалар сони ва контракт суммаси тўғрисида маълумот¹

Факультетлар	2017-2018 й.		2018-2019 й.		2019-2020 й.		2020-2021 й.		Жами 4 ўқув йилида
	Талабалар сони	Жами тўловган маблағ, млн.сўм	Талабалар сони	Жами тўловган маблағ, млн.сўм	Талабалар сони	Жами тўловган маблағ, млн.сўм	Талабалар сони	Жами тўловган маблағ, млн.сўм	
Иқтисодиёт факультети	9	127,1	20	962,9	70	8610,3	100	8528,7	18229,0
Халқаро туризм факультети	24	3385,0	27	1 389,7	182	12336,4	244	13836,8	30947,9
Корпоратив бошқарув факультети	8	187,1	25	2242,9	72	8146,7	108	9642,1	20218,8
Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети	0	0	8	339,5	62	5864,5	127	10569,3	16773,3
Рақамли иқтисодиёт факультети	16	1247,3	77	6316,3	38	2498,7	44	3334,8	13397,1
Сиртки бўлими	0	0	69	1500,2	3	799,9	180	15781,0	18081,1
Жами	57	4946,5	226	12751,7	427	38 256,5	803	61692,9	55954,8

¹ Тошкент давлат иқтисодиёт университети маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китобици.

1-жадвалга кўра, Тошкент давлат иқтисодий университетига хужжат топширган абитуриентларнинг 2020-2021 ўқув йилида қарийб 244 нафари «Халқаро туризм» факультетига қўшимча тўловлар асосида ўқишга қабул қилинганлиги, мазкур йўналиш имижининг жозибадорлиги олиб борганини англатади. Факультетнинг жозибадорлиги унинг брендини шакллантириш амалиёти самарали йўлга қўйилганидан далolat беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан намоён бўладики, энг кучли брендга эга олий таълим муассасаларида янги ахборот технологияларини қўллаш ва сифатли масофали таълимни жорий этиш орқали иқтисодий таълимни бериш суръатлари кенгайди. Мазкур омил республика ҳудудларида иқтисодий таълим хизматлари сифати ўртасидаги тафовутни қисқартириш, таълим хизматлари таннархини кескин пасайтириш, иқтисодий таълимдан кенг омманинг фойдаланишини таъминлайди, натижада рақобат доираси кенгайишига хизмат қилади.

Жаҳон мамлакатларида таълим моделлари кўпроқ даражада миллий тузилма билан белгиланади. Бунга сийсий тизим, менталитет, кадриятлар, уларнинг тарихи, урф-одатлари ва амалдаги ижтимоий-иқтисодий тизимларини киритиш мумкин. Хусусий таълим муассасаларида миллий таълим моделларининг хусусиятлари турли даражада акс эттирилганига қарамай, умуман, кўрсатилган хусусиятлар сезиларли даражада ажришиб туради. 2-жадвалда айрим мамлакатларда олий таълим муассасаларининг бренд идентификацияси моделларига батафсил тавсиф берилган.

Таълим моделлари ва таълим брендларини шакллантириш шартларини таққослаш кўрсатадики, хорижий университетлар тажрибасига тўлиқ эътибор қаратиш мумкин эмас, чунки ҳар бир мамлакат ўзига хос этник маданиятга эга. Шу сабабли, Ўзбекистонда юқори таълим муассасаси брендини шакллантириш учун минтақалар ва бутун мамлакат бўйлаб, муаммоларни ҳал этишга қаратилган ўзига хос миллий концепцияни ривожлантириш орқали рўйхатдаги параметрлар гуруҳини мувозанатлаштириш муҳимдир⁸.

Бренд капиталини аниқлаш маркетинг соҳасидаги илмий тадқиқотчилар учун ўз ечимини кутаётган муаммо сифатида ўрганилиб ва қўлаб тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотларнинг асосий мақсади олий таълим муассасаларининг шаклланган имижини брендга айлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда капитални шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш мақсад қилинган. Ўзбекистон олий таълим муассасалари брендини шакллантириш бўйича асосий стратегик мақсадлар белгилаш учун стратегик таҳлил амалга оширилиши лозим.

Университетларда бренд капитали тўғридан-тўғри тадқиқ қилинамасада, талабалар университетни танлашда муҳим бўлган егитга аниқ мезон бўйича баҳоланади. Бу мезонлар қуйидагилар: дастур (мухотассисликлар), таниқлилик (имиж), нарх (тўлов шартнома пули), коммуникация воситалари, инсонлар (педагоглар, ходимлар билан ўзаро алоқалар), реклама (реклама ва электрон

⁸ Ковалевский, В. П. Аккумуляция знаний в информационном пространстве предприятий региона / В. П. Ковалевский, О. В. Буреш, М. А. Жук, О. М. Калиева. – М.: Финансы и статистика, 2011. – 352 с.

оммавий ахборот воситалари) ва рағбатлар (турли хил тақлифлар). Тадқиқотларда брендни аниқлашда талабалар учун ўқиш ва ўқиш муҳити, кампус ҳаёти, имиж ва мартаба истикболлари битирувчилар учун энг муҳим деб топилган. Бирок ҳар бир университет ўзига хос бренд идентификацияларига эга бўлганлиги учун маркетинг тадқиқотлари асосида бренд қийматини шакллантирувчи асосий омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

2-жадвал

Жаҳондаги олий таълим муассасалари бренд идентификацияларининг ўзига хос хусусиятлари⁹

Мамлакат	Таълим муассасаларининг моделлари хусусиятлари
Россия	таълимнинг интернационаллашуви ва халқаро компанияларга кадрларни тайёрлаш; ривожланган давлатлар моделларига мослашиб бориш; профессионал таълимнинг кўп босқичли тизимга ўтиши; таълимнинг либераллашуви, гуманитар, иқтисодий ва ҳуқуқий таълим орқали техник таълим муассасаларининг ихтисослашувини кенгайтириш; давлат томонидан таълимни етарли даражада молиялаштирмаслик ва ўқитувчиларнинг иш ҳақи пастлиги; Болоғия шартномасига мувофиқ Европа таълими моделларини ўзлаштириш
Буюк Британия	либерал таълим концепцияси; таълим олувчининг шахсияти шаклланиши ва индивидуал хусусиятига алоҳида эътибор; тадқиқот ва профессионал йўналишда кадрларни тайёрлашга интилиш; шахс индивидуумини шакллантириш
Франция	таълимнинг касбий, ўқитиш модели; давлатта бўйсунинишга катъий иерархик риоя қилиш; илмий амалиётни университет ички ва ташқарисида юқори даражада фарқлаш; натижалар асосида университетни касбийлаштириш йўналишидаги фаолиятини фаоллаштириш, амалиётга йўналтирилган фанларни қўллаш
Германия	илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият бериш; талабалар ва ўқиш гуруҳларининг илм-фан ва тадқиқотлар учун юқори бирдамлиги ва ҳамкорлиги, биргаликда олиб бориладиган тадқиқотлар учун ўз ишларининг ўзаро таъсири; илмий тадқиқотлар натижаларини қайта ишлашнинг юқори тезлиги ва уларни ўқув дастурлари ва бошқа ўқув мақсадлари учун материалга айлантириш
АҚШ	Европа таълимининг учта моделини изчил амалга ошириш; тўрт йиллик ўқитиш билан коллежлар шаклида олий таълимнинг биринчи босқичида инглиз тизими моделини қўллаш; олти йиллик ўқитиш билан университетлар шаклида ифодаланган француз таълими тажрибасидан фойдаланиш; тадқиқотларга йўналтирилган шаклда Германия олий таълими тажрибасини фаол равишда қўллаш; магистратурага катта эътибор берилди
Япония	таълим соҳасида муҳим режалаштириш; аниқ нарсалар билан узоқ муддатли алоқаларга эътибор қаратиш ижтимоий қатламлар – элитизм; таълим хизматлари истеъмолчиларининг устувор йўналишлари ва қўтишларига эътибор қаратиш; ташкилот ходимларига нисбаган брендга эътибор қаратиш; уй шароитида талабаларга юқори даражада эътибор бериш; ходимларга анъаналар тўғрисида; университетлар моделини тузишнинг каста ва элита принципларини қўллаш.

⁹ Мяхайлова О.П., Шепель В.Н. Модели формирования бренда высшего учебного заведения: аналитический обзор. Вестник Оренбургского государственного университета, 2015 № 4 (179).

Шунга мувофиқ, олий таълим муассасаларида бренд капитални шакллантириш бўйича стратегик мақсадлар белгилаш борасида Тошкент давлат иқтисодийёт университетида маркетинг тадқиқотлари олиб борилган. Бундай тадқиқотларни ўтказиш мақсадида бренд капитални шакллантирувчи омиллар сўров анкетасида 41 та банддан иборат саволномада ўз аксини топган. Ҳар бир респондентга берилган саволлар Лайкерт шкаласининг 5 бағли тизими асосида баҳоланган. Баҳолаш тўлиқ рози эмасман «1 балл», тўлиқ розиман «5 балл» шкаласи асосида амалга оширилган.

Анкета бўйича олинган натижалар омилли таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда ўзгарувчилар сифатида қабул қилиш мумкинлиги бўйича Кайзер-Майер-Олкина (КМО) тести асосида текширилади. Кайзер-Майер-Олкина (КМО) тести натижалари $\alpha=0,897$ ни ташкил этиб, сўровда иштирок этган респондентларнинг баҳолаш натижалари ижобий бўлган. Омилли таҳлил учун бош компонентлар усулидан «Varimax» таснифловидан фойдаланган ҳолда анкета саволлари бўйича олинган натижалар бўйича яширин ўзгарувчиларни саралаш натижалари қуйидаги энг муҳим омилларни ажратиб олиш имконини берди:

Биринчи яширин омилни шакллантирувчи жиҳат университетда йўлга қўйилган барча йўналишлардаги хизматлардир. Хусусан, АРМ хизмати, талабаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа хизматлар. Бренд қиймати шаклланишида келтириб ўтилган ўзгарувчилар битта омил сифатида ўрганилишини назарда тутиб, 1-яширин омил сифатида «таълим хизматлари» (Educational services) қабул қилинади.


Иккинчи компонентга университетнинг сифат хусусиятлари ва психологик муҳит бўйича танланган ўзгарувчилар гуруҳи киритилди. Университетнинг сифат хусусиятлари ҳуқ-атвор йўналиши бўйича брендга мойилликни шакллантирувчи омиллар сифатида намоён бўлса, психологик муҳит бўйича танланган ўзгарувчилар аффектив мойилликни шакллантиради. Таҳлил натижалари университет бренд қийматини оширишда яширин омиллар сифат омил (Perceived Quality) сифатида қабул қилинади.

Учинчи компонентга университет имижини кўрсатиб берувчи, мойилликни ва хабардорликни шакллантирувчи ўзгарувчилар бириктириб, янги яширин омил «брендга мойиллик» (Brand Loyalty) омилни намоён этди.

Тўртинчи компонентга университет имижини шакллантирувчи жами 7 та ўзгарувчи киритилиб, бу омиллар гуруҳини «бренд нуфузи» (Brand Reputation) сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бешинчи компонент бренд капитални (Brand equity) белгилаб берувчи ўзгарувчилар ҳисобланган университетнинг таниқлилиги, университетда ўқиш учун кўпроқ тўлашга розилик даражаси, университетни мамлакатдаги барча университетлар орасида афзал билиш даражаси кабилардан иборат бўлган 3 та ўзгарувчини ўз ичига олинган.

Бренд қиймати шаклланишига бошқа омиллар таъсирини аниқлаш ва стратегик йўналишларни белгилаш мақсадида 5 та компонент шакллантирилган яширин омилларга бириктирилган ўзгарувчилар бўйича бренд қийматини шакллантиришдаги мавжуд ҳолат SEM модели асосида аниқланади (2-расм).



2-расм. Олий таълим муассасаларида бренд қийматини шакллантириш ҳолати бўйича тузилган SEM модели¹⁰

Университет бренд капитални шакллантириш бўйича тузилган SEM модели натижалари $R^2=0,646$ қиймат назарда тутилганда 64,6 фоиз ишонч билан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

Олинган натижалар бўйича регрессия юкланишининг стандартлашган коэффициенти β (Path Coefficients) SmartPLS 3. дастурий пакети бўйича ўзгарувчилар орасидаги сабаб-оқибат боғланишлари кучини баҳолаш учун қўлланилади. Мазкур коэффицент илк бор «йўл коэффициенти» сифатида Wright томонидан¹¹ киритилган. Бу коэффицент -1 ва $+1$ ўртасидаги стандартлаштирилган коэффицент ҳисобланиб, $+1$ га яқин бўлган коэффицентлар кучли ижобий алоқани кўрсатади ва аксинча. Натижаларга кўра олий таълим муассасаларида бренд қийматининг ошишида бевосита «Brand Loyalty» омилнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

3-жадвал

Path Coefficients/ Total Effects

Яшириш ўзгарувчилар	brand equity (β)
Brand Loyalty	0,691
Brand Reputation	0,173
Perceived Quality	-0,224
Servise	0,201

¹⁰ Муаллиф ишланмиси

¹¹ Dodge, Y. (2003) The Oxford Dictionary of Statistical Terms, OUP, ISBN 0-19-920613-9

Университетларда бренд капитални ошириш эксперименти ўтказилган бошқа омилларнинг боғланиши паст бўлиб, талабалар томонидан қабул қилинган сифатга (Perceived Quality) боғлиқ омил университет бренд капитални шакллантиришга салбий боғланиш кучини акс эттирган.

